Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 21 (306) • 2011 йил 31 май

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

«САНОАТГЕОКОНТЕХНАЗОРАТ» НАЗОРАТИ ОСТИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 131-сон қарори билан «Саноатгеоконтехназорат» ДИнинг ташкилий тузилмаси, унинг марказий аппаратининг тузилмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ республика ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат ва радиация хавфсизлиги, ер қаридан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этишлари юзасидан давлат назоратини, шунингдек давлат томонидан тартибга солиш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Низом билан «Саноатгеоконтехназорат» ДИнинг вазифалари ва функциялари қайта кўриб чиқилган, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг ташкил қилиниши белгиланган.

Давлат геология қўмитасига Ер қаърини геологик ўрганиш давлат назорати бошқармасининг архив ҳужжатларини ва мол-мулкини «Саноатгеоконтехназорат» ДИ балансига текин бериш топширилди.

NORMA®
www.norma.uz

КРЕДИТ УЮШМАСИ АКТИВЛАРИ ТАСНИФИ

Марказий банк бошқарувининг қарори билан *(АВ томонидан 2011 йил 10 майда 2227-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Кредит уюшмаларининг активларини таснифлаш, активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираси махсус ва умумий захираларга бўлинади. Бунда махсус захиралар яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз деб таснифланадиган тоифаларга ажратилади. Захиралар тоифалари бўйича активларни таснифлаш мезонлари ва тартиби, захираларни яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган.

2011 йил 20 майдан кучга кирди.

ЭСКИРГАН ТИББИЙ УСКУНА АЛМАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан *(АВ томонидан 2011 йил 12 майда 2228-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхати тасдиқланди. У 39 номланишдаги тиббий ускунани ўз ичига олган. Ускунанинг эскирганлиги у ишлаб чиқарилган сана бўйича аниқланади. Чунончи, агар Рўйхатда мавжуд бўлган ускуна 1990 йил 1 январга қадар ишлаб чиқарилган бўлса, у маънавий эскирган ҳисобланади. Янги ташкил этилган тиббий муассасаларнинг ундан фойдаланишлари тақиқланади. Белгиланишича, тиббиёт муассасалари 2016 йилнинг 1 январига қадар ўзларида мавжуд бўлган маънавий эскирган тиббий ускуналарни замонавий тиббий ускуналарга тўлиқ алмаштиришлари лозим.

2011 йил 22 майдан кучга кирди.

БРОКЕРЛАР УМУМИЙ ТАРТИБДА ТЕКШИРИЛАДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2011 йил 12 майда 1271-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Чунончи, божхона брокерларининг фаолиятини текшириш эндиликда Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга (2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ амалга оширилади.

Божхона брокерлари божхона юк декларацияси, божхона қиймати декларацияси, божхона қиймати тузатишларининг ишлатилган бланкаларини божхона органига тақдим қилиши кераклиги, шунингдек божхона брокерлари БЮД, БҚД, БҚТнинг бузиб қўйилган бланкаларини божхона органига қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича топшириши кераклиги ҳақидаги меъёрлар чиқариб ташланди. Бироқ улар БЮД, БҚД, БҚТ бланкаларини ва уларга қўшимча варақларни Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга *(2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган)* мувофиқ ҳисобга олишлари, 5 йил сақлашлари, ҳисобдан чиқаришлари ва йўқ қилишлари керак.

2011 йил 22 майдан кучга кирди.

БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИГА ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ҚЎЙИЛАДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2011 йил 12 майда 1272-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Энди нафақат Ўзбекистон фуқароси, балки чет эл фуқароси ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ҳам бундай мутахассис бўла олади. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис аттестатини олишга даъвогар бўлган шахс энди иқтисодиёт ёки юриспруденция соҳасида мутахассис бўлиши шарт эмас, яъни ундан ҳар қандай ўрта махсус ёхуд олий маълумотга эга бўлишгина талаб этилади.

Малака имтиҳонлари оғзаки, ёзма шаклларда ёки компьютерда тест топшириш кўринишида ўтказилиши мумкин. Малака аттестатини узайтириш учун уни топшириш да қониқарсиз баҳо олган шахс уни топширган кундан бошлаб 1 йил давомида 1 марта имтиҳонни қайта топшириш ҳуқуқига эга. Агар шунда ҳам у қониқарсиз баҳо олса, у малака аттестатини олиш учун умумий асосларда тўлиқ ўқув курсини қайтадан ўтиши керак.

Малака аттестатини олиш учун ходимларни ўқитишга доир аризага шунингдек мутахассиснинг паспорти ҳамда меҳнат дафтарчасининг нусхаларини илова қилиш керак.

2011 йил 22 майдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 7 майдан 13 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 19-сони асосида тайёрланди.

ЭСЛАТАМИЗ:
1 ИЮНДАН КУЧГА КИРАДИ...

2-бетда

ҲОКИМ СЎРАШГА ВАКОЛАТЛИМИ?

Муаммо бор

Мен газетангизни кўп йиллардан буён ўқиб келаман, уни жуда ҳурмат қиламан. Баъзи бир оғриқли масалаларни сизлар билан баҳам кўрмоқчи эдим. Яқиндан бери ҳокимликларнинг кичик корхоналар бўйича кўп сонли жадвалларни тўлдириш тўғрисидаги талаблари кўпайиб қолди. Деярли ҳар ҳафтада янги шакллар оляпмиз. Кейинги вақтда асосий вазифалар билан деярли шуғулланмай қўйдик: бланкаларни тўлдирамиз, уларни етказамиз, яна янгиларини оламиз. Уларда биз аввалги жадвалларда хабар қилган баъзи маълумотлар такрорланади. Ҳокимлик буни Иқтисодиёт вазирлиги талаб қиляпти деб изоҳлайди. Ҳокимликлар ва вазирликларнинг бундай ҳаракатлари қанчалик қонуний? Наҳотки, Президентнинг ҳокимликлар қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган ҳисоботлар, паспортлар ва ҳоказолар тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмасликлари тўғрисида 2005 йилда чиқарган Фармони бугунги кунда амал қилмаётган бўлса?

Бухгалтер. Қўқон шаҳри.

– Бир томондан, амалдаги қонун ҳужжатлари тадбиркорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг турли хил ахборотларни тақдим этиш бўйича ноқонуний талабларидан ҳимоя қилади. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»[1], «Давлат статистикаси тўғрисида»ги[2] қонунлар, Президентнинг 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон қарори[3] *(бундан кейин – ПҚ-100-сон қарор)*, Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиши ҳамда рўйхатдан ўтказиши тўғрисидаги низом[4] билан белгиланишича, **микрофирмалар ва кичик корхоналар молиявий ҳисоботни фақат солиқ ва статистика органларига тақдим этадилар.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган **ҳар қандай ахборотни**, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни **талаб қилишларига йўл қўйилмайди** *(ПҚ-100-сон қарорнинг 7-банди)*.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» Қонуннинг[5] 25-моддасига мувофиқ **ҳокимларнинг ваколатларига корхоналардан статистик ёки молиявий ҳисоботни, шунингдек уларнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида бошқа ахборотларни талаб қилиб олиш кирмайди.**

Бошқа томондан, айрим вазирлик ва идоралар уларга зарур бўлган ахборотни сўрашга ҳақлилар. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги низомнинг[6] 11-банди учинчи хатбошисига мувофиқ **Иқтисодиёт вазирлигига ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан сўраш ва белгиланган тартибда олиш ҳуқуқи берилган.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига[7] мувофиқ ҳокимликларнинг бошқарув аппарати таркибига иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари (иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият) бўйича ҳоким ўринбосари киради, у ўзига юкланган ваколатлар доирасида Иқтисодиёт вазирлигининг ваколат доирасига кирадиган функцияларнинг бир қисмини бажаради ва, бинобарин, у Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги низомда таъкидланган **доирада ахборот сўрашга ҳақлидир.**

Кўрамизки, ушбу муаммонинг меъёрий тартибга солиниши саволингизга аниқ жавоб бериш имконини бермайди. Шу сабабли ҳокимликлар ва унинг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисида ахборот сўраш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Елена ЕРМОХИНА,
ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчи.

[1] *1997 йил 29 августдаги 474-I-сон.*
[2] *2002 йил 12 декабрдаги 441-II-сон.*
[3] *«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида».*
[4] *ДСҚнинг АВ томонидан 2005 йил 29 июлда 1500-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[5] *1993 йил 2 сентябрдаги 913-XII-сон.*
[6] *ВМнинг 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига 5-илова.*
[7] *«Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида».*

УШБУ СОНДА

2-бет — 1 июндан тадбиркорларни қандай янгиликлар кутмоқда?
3-бет — Сертификатлаштириш тартибидаги ўзгаришлар
4-бет — Бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирайлик?
6-бет — Жиноятчини аниқлашда суд экспертизасининг ўрни

$1 = 1701,78 сўм €1 = 2418,23 сўм £1 = 2757,56 сўм ¥10 = 207,89 сўм

ЭСЛАТАМИЗ: 1 ИЮНДАН КУЧГА КИРАДИ...

Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори[1]** (бундан кейин – ПҚ-1529-сон Қарор) **билан 2011 йил 1 июндан кучга кирадиган бир қатор низомлар тасдиқланди.

АЙРИМ КИЧИК КОРХОНАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН ЎРТАЧА ЙИЛЛИК СОНИ 50 ДАН 100 НАФАР КИШИГА КЎПАЙДИ

Кичик корхоналар ходимларининг чекланган ўртача йиллик сони 50 дан 100 нафар кишига кўпаядиган фаолият турлари рўйхати кенгайтирилди. Унга қора ва рангли металлургия, кимё саноати, металлга ишлов бериш, станоксозлик ва инструментал саноат, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик, машина ва ускуналарни таъмирлаш, тўқимачилик, мазали таомлар, тиббий саноат, ветеринария учун дори препаратларини ишлаб чиқариш ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш (резина ўйинчоқлардан ташқари) сингари соҳалардаги 44 фаолият тури кирди.

МЧЖ (ҚМЖ)нинг ЭНГ КАМ УСТАВ ФОНДИ ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ 50 БАРАВАРИДАН 40 БАРАВАРИГА КАМАЙТИРИЛДИ

Янги барпо этилаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар учун устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори қонун ҳужжатлари томонидан ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш санасида белгиланган ЭКИҲнинг камида 40 бараварига тенг бўлиши керак. Бугунги кунда у 1 989 400 сўмга тенг.

Ҳозирги вақтда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг[2] 14-моддаси қоидаси амал қилади, унга кўра жамиятнинг устав фонди (устав капитали) ЭКИҲнинг 50 бараваридан кам бўлмаслиги керак. Мазкур ҳужжатга, чамаси, яқин вақт ичида уни ПҚ-1529-сон Қарорга мувофиқлаштирадиган ўзгартишлар киритилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ НАМУНАВИЙ ТАЪСИС ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН

Адлия вазирлигига бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган намунавий таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди. Устав ва таъсис шартномаси ана шундай ҳужжатлар ҳисобланади. Қонун ҳужжатлари уларга муайян талаблар қўяди. Намунавий ҳужжатларнинг тасдиқланиши бошловчи тадбиркорнинг уларни ишлаб чиқишга кетадиган вақти ва харажатларини анча тежайди.

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАСИ ЭКИҲнинг 1 БАРАВАРИГА ТЕНГ

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида тадбиркорлик субъектларини давлатдан рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ставкаси ЭКИҲнинг 1 бараварига тенг бўлади. Ушбу меъёр кучга киргунга қадар у ЭКИҲнинг 2 бараварини ташкил қилган[3].

ТАЪСИС ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНИШИ ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш талаби бекор қилинади (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий капитал иштирок этадиган бошқа корхоналардан ташқари).

ФИРМА НОМИНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЗАХИРА ҚИЛИБ ҚЎЙИШ МУМКИН

Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади. Давлат статистика қўмитасига муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра Интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захира қилиб қўйиш амалиётини жорий этиш топширилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомга[4] захира қилиб қўйиш тартибини белгилайдиган ўзгартишлар киритилди. У «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонун[5] билан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходимлари 1 соат мобайнида Интернет орқали юборилган, муассис томонидан захира қилиб қўйиш тўғрисидаги электрон буюртмани расмийлаштиришлари керак. Уни олган Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари банд қилинмаган фирма номини 8 иш соатидан кўп бўлмаган муддатда, марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан захира қилиб қўйишлари шарт. Оғзаки мурожаат қилиш, электрон буюртмани қабул қилиш ва банд қилинмаган фирма номларини захира қилиб қўйиш учун ҳақ ундирилмайди.

Захира қилиб қўйилган фирма номининг амал қилиш муддати захира қилиб қўйилган санадан бошлаб 60 кунни ташкил қилади. Бу муддат тугаганидан кейин, чамаси, «тақиқ» бекор қилинади ва фирма номидан бошқаларнинг фойдаланиши мумкин бўлади. Афсуски, ҳозирча мақбул номнинг эгаси бор-йўқлигини он-лайн режимида билиш имконияти назарда тутилмаган.

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖнинг юрисконсульти.

[1] *2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сон.*
[2] *2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон.*
[3] *Давлат божи ставкаларининг 9-банди (ВМнинг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган).*
[4] *Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган.*
[5] *2006 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-51-сон.*

ҲЕЛЕН КЛАРК МАРКАЗНИ БОРИБ КЎРДИ

БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларк Ўзбекистонга қилган биринчи расмий ташрифи доирасида Тошкентнинг Сергели тумани ҳокимлиги ҳузуридаги, Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастурининг кўмагида барпо этилган Ягона ойна марказини бориб кўрди.

Мазкур Марказда у БМТ Тараққиёт дастури билан Ўзбекистон ҳукуматининг давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги натижалари билан танишди.

Кейинги 10 йил мобайнида республика ҳукумати мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини равнақ топтириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини ислоҳ этишда анчагина тараққиётга эришди.

Синаб кўриш мақсадида, кейинчалик эса маҳаллий воқеликларни инобатга олган ҳолда ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ечимларини қўллаган кўйи аҳолига давлат хизматларини «ягона ойна» принципи асосида тақдим этиш тизимини жорий этишнинг ноёб концептуал ёндашувини ишлаб чиқиш мақсадида танлама йўсинда Ягона ойна маркази барпо этиш бу соҳадаги муҳим ютуқлардан бири бўлиб қолди. Юқори мартабали меҳмонни Сергели тумани ҳокими Отабек Содиқов кутиб олди. У Ҳелен Кларкни қутлаб, 200 мингдан ортиқ аҳоли яшаётган туманда Ягона ойна маркази ташкил этилганлиги туман аҳолиси учун кенг тармоқдаги турли давлат хизматларини бир жойнинг ўзида кўрсатиш имкониятини берганлигини, ариза эгаси билан давлат хизматчиларининг ўзаро мулоқотлари миқдор ва вақт жиҳатдан анча қисқартирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Ягона ойна маркази мижозлари Ҳелен Кларкка Марказ бераётган қулайлик ва афзалликлар ҳақида гапириб бердилар. Жумладан, уларнинг айтишича, илгариги тартиб-таомиллар вақтида тегишли маълумотнома ва рухсатнома олиш учун ҳар бир давлат муассасасига алоҳида-алоҳида қатнаш талаб этилар, бунда кўп вақт кетиши, навбат кутишлар билан боғлиқ талайгина ноқулайликларга дуч келинар эди.

Эндиликда аҳолига ҳамма хизматларни, шу жумладан керакли ахборотлар ва маслаҳатларни бир жойнинг ўзида олиш имконияти берилган. Бундан ташқари, Ягона ойна марказида жорий этилган электрон навбат тизими шарофати билан вақт тежаб қолинади. Марказга келувчилар унда ногиронлар ва кексалар учун назарда тутилган қулайликлар ва имкониятлар хусусида ҳам мамнуният изҳор этдилар.

Ташриф якунлари асосида Ҳелен Кларк БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон ҳукуматининг давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўлланиш соҳасидаги ҳамкорлигини юқори баҳолади ҳамда республика ҳукуматининг жорий йилнинг охиригача мамлакатнинг барча вилоятларида қулай Ягона ойна марказини барпо этишни назарда тутувчи қароридан қониқиш билдирди.

Ҳелен Кларк БМТ Тараққиёт дастурининг бу йўналишдаги ҳамкорлиги давом эттирилишини қўллаб-қувватлади, мазкур Дастур билан мамлакат ҳукумати ўртасида шу йилнинг охирига қадар Жиззах ва Наманган шаҳарлари ҳокимликлари ҳузурида 2 та Ягона ойна маркази барпо этиш ҳақида келишувга эришилганлиги бунга яққол мисолдир.

www.uzreport.com материалларидан.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	26.05.2011	1	0,7896	1	1,1168	1	0,0279
Арманистон	26.05.2011	1	376,80	1	533,36	1	13,36
Беларусь	27.05.2011	1	4932,00	1	6997,03	1	174,72
Грузия	26.05.2011	1	1,68	1	2,3622	1	5,899
Қозоғистон	27.05.2011	1	145,17	1	205,49	1	5,15
Қирғизистон	27.05.2011	1	45,7809	1	66,1837	1	1,6554
Латвия	27.05.2011	1	0,496	1	0,702804	1	0,0175
Литва	27.05.2011	1	2,4381	1	3,4528	10	8,6264
Молдова	26.05.2011	1	11,7311	1	16,498	1	0,4121
Тожикистон	27.05.2011	1	4,5725	1	6,6114	10	0,1653
Ўзбекистон	24.05.2011	1	1701,78	1	2418,23	1	60,96
Украина	26.05.2011	100	798,37	100	1123,2268	10	2,8033
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА

Сергели Ягона ойна маркази Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлиги ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида ўзаро англашув ҳақида имзоланган уч тарафлама меморандум асосида барпо этилган. Ҳозирги вақтда Ягона ойна марказида жами 44 турдаги давлат ва интерфаол хизматлар кўрсатувчи 14 бўлим ишлаб турибди. Уларнинг орасида жумладан ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва спорт, уй-жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, ер ва мол-мулк муносабатлари соҳасидаги хизматлар бор.

Ягона ойна маркази хизматларининг шахс гувоҳлантириш учун шахсан ҳозир бўлиши талаб этилмайдиган бир қисмидан веб-сайт орқали интерфаол шаклда баҳраманд бўлинади. Бугунги кунга қадар Сергели Ягона ойна марказига ижтимоий, коммунал ва бошқа соҳаларда турли давлат хизматлари олиш учун фуқаролардан 25 мингдан ортиқ буюртма тушди. Ягона ойна марказининг фикри сўралган мижозларининг 90 фоизидан ортиғи унинг фаолиятидан қаноатланиш изҳор этдилар.

УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Ҳоким сўрашга ваколатлими?
- Эслатамиз: 1 июндан кучга киради...
- Ҳелен Кларк Марказни бориб кўрди
- Валюталар курси *1-2-бетлар*

✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
- Сертификатлаштиришнинг маълум қилиш тартиби
- Меросда жавобгарлик
- Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот *3-бет*

✓ **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
- ТМЗни қайта баҳолашни ҳисобда акс эттириш
- Объект бузиш учун сотиб олинганда
- Соф фойда пластик карточкага қачон ўтказилади?
- Нотурар жойдан турар жойгами? *4-бет*

✓ **ШАХСИЙ МАНФААТ**
- Пластик карточкаларни бошқаларга берманг
- Коэффициентингиз ўзгартирилмайди
- Тўлашлари шарт *5-бет*

✓ **ЮБИЛЕЙЛАР**
- Адолатни таъминлашга хизмат қилиб... *6-бет*

✓ **top** *7-8-бетлар*

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори[1]** (2011 йил 28 апрелдаги 122-сон, бундан кейин – Қарор) **билан Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати** (бундан кейин – Рўйхат) **ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низом** (бундан кейин – Низом) **ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланди.

2011 йил 1 майдан бошлаб сертификатлаштиришнинг маълум қилиш тартиби – маҳсулотнинг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг (давлат стандартлари, тармоқ стандартлари, техник шартлар ва ҳоказо) сифат ва хавфсизлик бўйича талабларига мувофиқлигини тасдиқлашнинг соддалаштирилган шаклининг белгиланиши мазкур Қарор билан киритилган муҳим янгиликлардан биридир.



Янги тартибнинг амал қилиши кимларга татбиқ этилади? Тадбиркорлик фаолиятининг барча субъектлари янги шаклдан фойдалана оладиларми?

Маълум қилиш тартибидан фақат маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фойдалана оладилар. Импорт қилувчилар ўзлари олиб кираётган товарларни мувофиқлик сертификати олиниши билан умумбелгиланган тартибда сертификатлаштиришлари керак.

Янги жорий қилинаётган тартибнинг моҳияти нимадан иборат?

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати олинмайди. Унинг хавфсизлиги корхона томонидан Ўзстандарт аккредитация қилган сертификатлаштириш органига Низомга 1-иловада белгиланган шакл бўйича 2 нусхада хабарнома юбориш йўли билан тасдиқланади. Бу ерда у рўйхатдан ўтказилади ва рўйхат рақами ҳамда сертификатлаштириш органининг муҳри қўйилган бир нусхаси ишлаб чиқарувчига қайтарилади. Ушбу ҳужжатга асосан корхона ўз маҳсулотини реализация қила олади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, хабарномадан ташқари, мувофиқлик сертификати олиш зарурми?

Йўқ. Сертификатлаштириш органида рўйхатдан ўтказилган хабарнома ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади. Унга қўшимча равишда мувофиқлик сертификати олиш мажбурий эмас.

Ишлаб чиқарувчи хабарнома билан бирга сертификатлаштириш органига синовлар учун маҳсулот намуналарини тақдим этиши керакми?

Йўқ, керак эмас. Сертификатлаштириш органи бу ҳолда синовлар ўтказмайди. Ишлаб чиқарувчининг ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга доир меъёрий ҳужжатларга мувофиқ барча зарур синовларни ўтказиши ва синовлар ижобий натижалар бергандагина хабарнома бериши керак. Бунда у синовларни ўзининг лабораторияларида ҳам (агар улар бор бўлса), синовлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган чет ташкилотларнинг лабораторияларида ҳам ўтказиши мумкин. Хабарномада корхонанинг ўз лабораториялари ва синовлар ўтказиш учун шарт-шароитлар бор-йўқлигини ёки ушбу мақсадлар учун бошқа ташкилотларни жалб этаётганлигини кўрсатиш зарур. Ўтказилган синовларнинг далолатномалари (баённомалари) ижобий натижаларни тасдиқлайди.

Барча маҳсулотни маълум қилиш тартибида сертификатлаштириш мумкинми?

Барчасини эмас. Фақат Рўйхатда «**» ҳаволаси билан белгиланган, мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар сирасидан бўлган маҳсулотнинг айрим турларини. Рўйхатга изоҳда шундай дейилган: «Мувофиқликни тасдиқлаш ишлаб чиқарувчи томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнигина маълум қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин». Агар сизни қизиқтирадиган товар Рўйхатда ана шундай ҳавола билан белгиланган бўлса, ишлаб чиқарувчи мазкур маҳсулотнинг меъёрий талабларга мувофиқлигини хабарнома билан тасдиқлаши мумкин. Агар ҳавола берилмаган бўлса, умумбелгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатлаштириш таомилини бажариш шарт.

Маълум қилиш шакли мажбурийми ёки субъект ундан фойдаланмасликка ҳақлими?

Соддалаштирилган шакл амал қилаётган сертификатлаштириш тизимига мукобил шаклдир. Рўйхатга кирадиган, маълум қилиш тартибида сертификатлаштиришга рухсат берилган маҳсулотнинг хавфсизлигини корхона умумбелгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш билан ҳам, соддалаштирилган шаклдан фойдаланиб ҳам тасдиқлаши мумкин.

Хабарномани рўйхатдан ўтказиш учун сертификатлаштириш органига қандай муддат белгиланган?

У корхона томонидан тақдим этилган пайтдан бошлаб 1 иш куни.

Рўйхатдан ўтказиш учун муайян тўловлар тўлаш белгиланганми?

Йўқ, белгиланмаган. Рўйхатдан ўтказиш йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни ундирмасдан амалга оширилиши керак.

Рўйхатдан ўтказилган хабарноманинг амал қилиш муддати қандай?

3 йил. Унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин корхона яна ушбу таомилни бажариши ёки маҳсулотни умумбелгиланган тартибда сертификатлаштириши керак.

Корхона рўйхатдан ўтказилган хабарноманинг амал қилиш муддати мобайнида уни қайта рўйхатдан ўтказиши керакми?

Фақат меъёрий ҳужжатларда маҳсулотга нисбатан унинг сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичларини ўзгартирадиган талаблар қўйилган ҳоллардагина.

Сертификатлаштириш органида рўйхатдан ўтказилган хабарномасиз маҳсулот реализация қилинганида корхона учун қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Маҳсулот мувофиқлик сертификатларисиз реализация қилинганида қўлланиладиган чораларнинг ўзи сингари чоралар қўлланади. Корхонага хавфсизлиги маълум қилиш тартибида тасдиқланмаган, реализация қилинган маҳсулотнинг қиймати миқдорида жарима солиниши мумкин (*«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонун[2] 23-моддасининг иккинчи қисми*). Жарима суднинг ҳал қилув қарорига кўра, содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айб тан олинган ва жарима ихтиёрий равишда тўланган тақдирда –Ўзстандарт органларининг қарорига кўра ундирилади.

Артём МОКШИН,
«Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи.

[1] *Ҳужжат «СБХ»нинг 2011 йил 19 майдаги 20 (876)-сонида чоп этилган.*

[2] *1993 йил 28 декабрдаги 1006-XII-сон.*

МЕРОСДА ЖАВОБГАРЛИК

«Чирчиқмаш-Сталь-Сервис» унитар корхонаси 2007 йил февралида «Чирчиқсельмаш» ОАЖнинг қуюв цехи базасида барпо этилган. «Чирчиқсельмаш» ОАЖ унинг муассиси ҳисобланади.

2011 йил бошидан «Чирчиқсельмаш» ОАЖ, бошқарувнинг 2010 йил 21 декабрдаги мажлиси баённомасига кўра, бизнинг унитар корхонамизга «Чирчиқсельмаш» ОАЖнинг ҳуқуқий вориси сифатида 5-сон қуюв цехида 2005 йил 1 январга қадар жароҳат олган шахсларга зарарни тўлаш бўйича ҳужжатларни топширяпти. Бунда ўз қарорида бошқарув Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Қоидалар VI бобининг 42-бандига асосланмоқда.

«Чирчиқсельмаш» ОАЖ бошқарувининг қарори тўғрими ва, агар «Чирчиқсельмаш» ОАЖ юридик шахс сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган бўлса, «Чирчиқмаш-Сталь-Сервис» УК «Чирчиқсельмаш» ОАЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланадими?

Р.Жалилов,
«Чирчиқмаш-Сталь-Сервис» УК директори.

– Фуқаролик кодекси *(бундан кейин – ФК)* ва Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларига *(бундан кейин – 60-сон Қоидалар)* мувофиқ ҳуқуқий ворислик юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда юзага келади. Агар сизнинг корхонангиз ФКнинг 49-моддасига мувофиқ ажратиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида юзага келган бўлса, ажратиш балансига мувофиқ «Чирчиқсельмаш» ОАЖ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми сизга ўтган. Бинобарин, 60-сон Қоидаларнинг 42-бандига мувофиқ ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган «Чирчиқсельмаш» ОАЖ қайта ташкил этилган тақдирда уни қоплаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти **ҳуқуқий ворисга,** яъни сизнинг ташкилотингизга ўтади. Сизга **зарарни қоплаш талаби** тақдим этилиши керак.

Агар «Чирчиқмаш-Сталь-Сервис» унитар корхонаси «Чирчиқсельмаш» ОАЖдан ажратиш йўли

билан эмас, балки одатдаги тартибда барпо этилган бўлса, УК **унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланмайди.** Бинобарин, сизнинг ҳолатингизда 60-сон Қоидаларнинг 42-бандини қўллаб бўлмайди ва ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни **«Чирчиқсельмаш» ОАЖ қоплаши керак.**

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

[1] *ВМнинг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарорига 1-илова.*

ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 18-сон)

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
1.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Шаҳрисабз шаҳар, Низомий кўчаси, 82-уй)	N 4 21.01.2011 й.	1. Ахмедов Равшанжон 2. Ахмедов Алишер Астанович 3. Санаев Қиёмиддин
2.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Чироқчи қишлоғи, "Азизбек-Худоёрбек" МЧЖ биноси)	N 5 21.01.2011 й.	1. Хайдаров Джума Тошкулович 2. Аминов Шуратулло Гиёсович
3.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, генерал Жўрабек кўчаси, 11-уй)	N 6 01.03.2011 й.	1. Нусратов Нурали Садиевич 2. Эркаева Нодира Панджиевна 3. Буриев Искандар Уракович
4.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси (Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй)	N 7 01.03..2011 й.	1. Жабборов Ахмад Муродович 2. Қўзибоев Хасан Абдиганиевич
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Сурхондарё вилояти ваколатхонаси (Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-уй)	N 11 06.01.2011 й.	1. Каримов Жума Чориевич
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар ваколатхонаси (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 22-2-уй)	N 21 15.02.2011 й.	1. Тожиддинов Бахритдин Исомиддинович 2. Саидахмедов Умид Муродович 3. Ҳаджаханова Наилия Рахмаджановна
7.	Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат-палатаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи халқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик) суди (Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй)	N 22 15.02.2011 й.	1. Султанмухамедов Нодир Равшанович 2. Самахаджаев Ботир Билялович 3. Рузиев Рустам Жаббарович 4. Окюлов Омонбой 5. Отахонов Фозилжон Хайдарович 6. Азимов Мурод Каримович 7. Шайхов Алишер Эркинович

ТМЗни ҚАЙТА БАҲОЛАШНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ

Хусусий корхона (ХХТУТ бўйича коди 14194) марказдан қочирма насосларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш билан шуғулланади, кўрсатиладиган хизматлар бўйича ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланади. Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш чоғида бизда бир қатор саволлар туғилди.

Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш бўйича операцияларни ҳисобда қандай акс эттириш керак (қандай проводкалар берилади ва қандай ҳужжатлар тузилади)?

Товар-моддий захираларни қайта баҳолашдан олинадиган даромадга солиқ солинадими?

ХК бош бухгалтери.

– 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»нинг[1] 11-бандига кўра товар-моддий захиралар (ТМЗ) қуйидаги икки қиймат: ҳисобот даври охиридаги таннархидан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланади. Сотишнинг соф қиймати деганда товар-моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қиймати тушунилади *(4-сон БҲМСнинг 4-банди)*. Сотишнинг жорий қиймати ТМЗнинг ҳар бир бирлиги (тури) бўйича аниқланади ва ҳужжат билан тасдиқланиши керак.

ТМЗнинг жорий (бозор) қийматини ҳужжатли тасдиқлаш учун *(4-сон БҲМСнинг 43-банди, Солиқ кодексининг 135-моддаси)* қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган ТМЗ ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) ЭАВда ТМЗ бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Марказий банк томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва ТМЗ тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициенти қўлланади;

тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

баҳоловчи ташкилотнинг ТМЗ тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Агар товар-моддий захираларни қайта баҳолаш санасида жорий қийматнинг миқдори уларнинг таннархидан паст бўлса, ҳисоб юритиш мақсадида уларнинг нархи пасайтирилади. Қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган ТМЗнинг нархини пасайтириш суммаси (таннарх билан жорий қиймат ўртасидаги фарқ) у юзага келган ҳисобот давридаги бошқа операцион харажатларга киритилади *(4-сон БҲМСнинг 47-банди; Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг[2] 2.3.15.3-банди)*.

Илгари сотишнинг соф қийматигача пасайтирилган ТМЗнинг бозор қиймати ошган ҳолда тегишли ҳисобдан чиқариш суммаси шу тариқа тикланадики, бунда янги баланс қиймати мазкур икки қийматнинг энг ками – таннарх ёки қайта кўриб чиқилган сотишнинг соф қийматига қадар келтирилади *(4-сон БҲМСнинг 48-банди)*. Бунда қўшимча баҳолаш суммаси илгари ҳисобдан чиқарилган қийматни пасайтириш суммасидан ошмаслиги керак.

ТМЗни қайта баҳолаш натижалари товар-моддий қийматликларни қайта баҳолаш махсус қайдномасига (далолатномасига) киритилади, унда қайта баҳолашни ўтказиш санаси, қайта баҳоланаётган ТМЗ номи (тури), шунингдек натижанинг ўзи – қийматни пасайтириш ёки қўшимча баҳолаш суммаси кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисобида ТМЗни қайта баҳолаш операциялари қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш акс эттирилади		
	дебет	*кредит*
ТМЗ қийматини пасайтириш акс эттирилган	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари
ТМЗни қўшимча баҳолаш акс эттирилган	Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари	9390-«Бошқа операцион даромадлар»

Солиқ солиш мақсадида ТМЗни қўшимча баҳолаш суммаси товар-моддий захиралар қўшимча баҳоланган ҳисобот даврида ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базанинг таркибига киритилади.

Светлана КИМ,
«Norma Ekspert»нинг эксперт-иқтисодчиси.

[1]*Молия вазирининг АВ томонидан 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

[2]*ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.*

ОБЪЕКТ БУЗИШ УЧУН СОТИБ ОЛИНГАНДА

Бизнинг ташкилотимиз 2010 йил мартда кейинчалик бузиш ва шу жойнинг ўзида янги омборхоналар қуриш учун бир қаватли бинони сотиб олди. Бузишгача бино балансга олинди ва 2 ой мобайнида унга эскириш ҳисоблаб ёзилди. 2010 йил 25 майда бино бузиб ташланди ва қуйидаги проводкалар қилинди:

Дт 9420 Кт 0220 май учун амортизация
Дт 0220 Кт 9210 амортизация ҳисобдан чиқарилди
Дт 9210 Кт 0120 баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди.

Бош пудратчининг бинони бузиш бўйича харажатларини биз тугалланмаган қурилиш сифатида 08-ҳисобварақка олдик ва қуйидаги проводкаларни бажардик:

Дт 0810 Кт 6010 бинони бузиш бўйича бажарилган ишлар далолатномаси.

Бинони бузиш харажатларини 08-ҳисобварақ бўйича ўтказиб ва проводкалар қилиб, тўғри иш қилдикми?

Директор.

– Кейинчалик янги объектлар қурилиши учун бузиш мақсадида харид қилинадиган кўчмас мулк объектлари (бинолар, иншоотлар)ни 0810-«Тугалланмаган қурилиш» ҳисобварағида ҳисобга олиш керак. Улар асосий воситалар таркибига ўтказилмайди (фойдаланишга топширилмайди). Ушбу ҳолда бинони бузиш харажатлари харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (чет ташкилот томонидан ишлар бажарилганида – 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ҳисобварағи кредити) билан корреспонденцияда 0810-ҳисобварақ дебети бўйича акс эттирилади (янги объектни барпо этиш харажатлари сифатида капиталлаштирилади).

Агар корхона раҳбарияти аввал харид қилинган бинони фойдаланишга топшириш тўғрисида қарор қабул қилган, у асосий воситалар таркибига ўтказилган (0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» ҳисобварағи), амалда фойдаланилган (амортизация ҳисоблаб ёзилган), кейинчалик уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, уни бузиш харажатларини бинони тугатиш (чиқиб кетиш) харажатлари сифатида акс эттириш керак. **Ушбу ҳолда бинони бузиш бўйича пудратчининг харажатлари қуйидаги проводка билан акс эттирилади:**

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Ольга РАХМАТУЛЛИНА,
«Norma Ekspert»нинг эксперт-иқтисодчиси.

СОФ ФОЙДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАГА ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси асосида хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Хусусий корхона мулкдори йил мобайнида ҳар бир ҳисобот даври (чорак) якунлари бўйича солиқлар тўланганидан кейин қоладиган корхонанинг соф фойдасини ўзининг пластик карточкасига ўтказиш ҳуқуқига эгами?

Р.Собиров.

– Хусусий корхонанинг соф фойдасини тақсимлаш чоғида «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг[1] 15 ва 24-моддаларига амал қилиш керак. Унда қуйидагилар белгиланган:

хусусий корхона мулкдори хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга;

хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Бунда фойдани тақсимлашнинг даврийлигига нисбатан бирор-бир чекловлар белгиланмаган. Тегишинча, **мулкдор чорак, ярим йил, 9 ой ёки йил якунлари бўйича солиқлар тўланганидан кейин қолган соф фойдани шахсий пластик карточкага ўтказишга ёки хизмат кўрсатувчи банкдан накд пул олишга ҳақлидир.**

Жавоб «Norma Ekspert» мутахассислари томонидан тайёрланди.

[1]*2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон.*

Эшитганим ростми?

НОТУРАР ЖОЙДАН ТУРАР ЖОЙГАМИ?

Кўчамиздаги турар жойларнинг деярли барча биринчи қаватлари офислар, дўконлар, кичик кафелар билан банд этилган. Бир томондан, бу жуда қулай – ҳаммаси ёнимизда, бошқа томондан – унчалик яхши эмас: тротуарлар ва йўл четларини ана шу объектлар ходимлари ва мижозларининг автомобиллари доим эгаллаб туради.

Кейинги вақтларда уйлардаги нотурар жойларни яна турар жойларга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган дейишяпти. Шу гап тўғрими?

Г.Нафиков.
Тошкент шаҳри.

– Бу миш-мишлар тўғри эмас, чунки кейинги вақтда Адлия вазирлиги томонидан ҳамма жойда нотурар жойларни турар жойларга ўтказиш тўғрисида ҳеч қандай меъёрий ҳужжат рўйхатдан ўтказилмаган ва матбуотда чоп этилмаган.

Айни вақтда нотурар жой қайтадан турар жойга мажбуран ўтказилиши эҳтимоли бор. У суд томонидан бирламчи ўтказиш ҳақиқий эмас, белгиланган тартибни ва Уй-жой кодексининг 15-моддаси ҳамда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом[1] III бўлимининг «В» кичик бўлими талабларини бузган ҳолда содир этилган **деб топилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.**



Хусусан, агар нотурар жой:

1) уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган бўлмаса;

2) мақсадли коммунал турар жой фондида бўлса;

3) алоҳида кириш йўлаги қилиш имконияти бўлмаса;

4) авария ҳолатида бўлса ёки нотурар жой тоифасига ўтказиш учун яроқсиз бўлса;

5) унинг юзасидан суд муҳокамаси кетаётган бўлса – низо суд тартибида ҳал бўлмагунгача;

6) бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг ёзма равишдаги розилигисиз нотурар жой тоифасига ўтказилган бўлса;

7) хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилигисиз ўтказилган бўлса;

8) архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйларда жойлашган бўлса – ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилигисиз амалга оширилган бўлса.

[1]*ВМнинг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 357-сон қарорига 1-илова.*

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ БОШҚАЛАРГА БЕРМАНГ

Оборотда пластик карточкалар қўллана бошлагач, фирибгарлар ҳам пайдо бўлди. Улар қишлоқларда терминалларнинг жуда озлигидан ва ҳамма ҳам пластик карточка воситасида товарлар сотиб ола олмаслигидан фойдаланиб, 10–15% эвазига уни нақд пулга айлантиришни таклиф қиляптилар. Ўтакетган суллоҳлари эса пластик карточкаларни умуман қайтариб бермай, солиқ инспекцияси, банк ва ҳоказолар билан қандайдир муаммолар юзага келганлигини важ қилиб кўрсатадилар. Чорасизликдан фирибгарларга ишонган, ойлаб ўз пулларини қайтариб ололмаётган ходимлар қаерга ва кимга мурожаат қилишлари керак? Ким уларга ёрдам бера олади?

Бундай муаммоларга тўқнаш келган ва нима қилишни билмаётган барча кишилар номидан газетангиз ўқувчиси.

– Мазкур шахсларнинг ҳаракати Жиноят кодексининг 168-«Фирибгарлик» моддасига тааллуқлидир. Улардан жабрланган шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат этиб, унда жиноят ишини қўзғатиш учун алдашнинг барча ҳолатларини баён этишлари керак.

Бироқ «жабрланганлар» мазкур ҳолда ўзлари қонунни бузганлигини таъкидлаш лозим. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»[1], «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»[2] қонунлар, «Банк сири тўғрисида»ги[3], Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом[4] ва Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомга[5] мувофиқ эквайрингни[6] Ўзбекистон Республикасининг резидент банклари амалга оширади. Бинобарин, **нақд пулни банк кассасидан ёки банкоматдан эмас,** балки сиз кўрсатган ва унга ўхшаган ноқонуний усуллардан фойдаланиб **олиш ҳам ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.** Шу сабабли бундай кишиларга ишонишдан аввал ўз ҳаракатларингиз оқибатини ўйланг.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

---

[1]*1995 йил 21 декабрдаги 154-I-сон.*
[2]*1996 йил 25 апрелдаги 216-I-сон.*
[3]*2003 йил 30 августдаги 530-II-сон.*
[4]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[5]*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*
[6]***Эквайринг** – операциялар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчилари билан ҳисоб-китобларни банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга ошириш, шунингдек нақд пулларни банк картаси тутувчисига бевосита кассада ёки банкомат орқали бериш.*

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда*;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик:

а) жуда кўп миқдорда**;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

***Кўп миқдор** – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор.*
****Жуда кўп миқдор** – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор.*

Жиноят кодекси, 168-«Фирибгарлик» моддаси.

Мавзуга доир

ФИРИБГАРЛАР СКАНЕР ЁРДАМИДА ИШЛАШГАН

РФ пойтахтида кардинг – маълумотларни кредит карталаридан ўғирлаш бўйича йирик хуфия бизнесни йўлга қўйган Солнцево шаҳрилик фирибгарлар Москва шаҳар судининг қарорига кўра 3 йилдан 7 йилга қадар озодликдан маҳрум этилдилар.

Жабрланувчилар пойтахт марказидаги ресторанлардан бирига кириб, кредит карталари ёрдамида ҳақ тўлаганларидан кейин ҳар доим пуллари йўқолган.

Тезкор ходимлар ресторанниг 2 официантини қўлга олишди. Улар қўлбола сканер ёрдамида тушлик ва кечки овқат учун ҳақ тўлаган мижозларнинг кредит карталаридан маълумотларни ёзиб олишган. Кейин йигитлар янги кредит картасини расмийлаштирганлар, унга тўловнома ва мижоз тўғрисидаги ахборотни қайтадан ёзганлар ва унинг воситасида харид қилишга тушганлар.

Кардинг билан фирибгарлар 2003 йил ёзидан шуғуллана бошлаганлар. Бунинг устига, улар бу бизнесга 3 нафар мактабдош ўртоқларини жалб этганлар. Улар ноутбуклар, уяли телефонлар сотиб олиб, пулни совурганлар. Сўнгра фирибгарлар нақд пулни картанинг аутентлигини текширадиган банкоматлар орқали олмоқчи бўлишган. Товламачилар Жануби-Шарқий Осиёда пластикдан нусха кўчирилган карталар нусхаларини буюртиришган. Ушбу операцияни улар Интернетдаги «Хо амакининг дўкончаси» орқали амалга оширишган. Ҳар бир сохта карта 200 АҚШ долларига тушган. Умуман жиноятчилар шу тарзда 4 млн рублдан кўп маблағни ўғирлашга муваффақ бўлганлар. Тинтув вақтида улардан 350 та сохта кредит картаси ва 1 500 га яқин хомаки сохта пластик карта олиб қўйилган.

КАРТА МОЖАРОСИ

Тольяттида Сбербанк мижозларининг пластик карталари билан қилинган йирик фирибгарлик далили бўйича жиноят иши қўзғатилди – улардан сутка давомида банкоматлар орқали қарийб 3 млн рубль ўғирланган.

Баъзи шаҳарликлар карталари блокировка қилинганлиги, бир қатор ҳисобрақамлардан эса умуман маблағлар ҳисобдан чиқарилганлигини пайқаганлари боис бу борада шовқин-сурон бошланган. Дастлабки маълумотларга қараганда, фирибгарлар Автозавод туманидаги Сбербанк 4 банкоматига мижозларнинг кириш кодларини билиш имконини берадиган аппаратура ўрнатганлар. Камералар махсус техникани ўрнатган шахсларни қайд этганлар. Сўнгра қалбаки карталар воситасида улар тольяттиликларнинг пулини нақдлаштирганлар. РФ Сбербанкининг хавфсизлик хизмати Россияда ҳам, Украинада ҳам ноқонуний пул олинганлигини аниқлади.

Интернет тармоғи материалларидан.

КОЭФФИЦИЕНТИНГИЗ ЎЗГАРТИРИЛМАЙДИ

Мен Навоий шаҳрида яшайман, 25 йилдан ортиқ меҳнат стажига эгаман, бир болани дунёга келтириб, вояга етказганман. 3 ойдан сўнг пенсия ёшига етаман.

1. Менга пенсия тайинлашлари учун қандай ҳужжатларни тақдим этишим керак?

2. Яқинда қонун ҳужжатларига туман коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришга тааллуқли ўзгартиришлар киритилди. Бу менинг шаҳримда белгиланган туман коэффициенти менга пенсия ҳисоблаш чоғида ҳисобга олинмаслиги мумкинлигини билдирадими?

З.Иньякова. Навоий шаҳри.

– **1.** Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомга[1] мувофиқ **ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши керак.** Яна **пенсия гувоҳномаси ва шахсий пенсия иши учун 2 фотосурат тақдим этиш лозим.**

Пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажига 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш таътилида бўлиш вақти ҳам киритилади. Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг[2] 13-бандига мувофиқ таътилда бўлиш вақти ташкилот, корхона ёки муассаса томонидан берилган, **болани тарбиялаш учун таътил бериш ва таътилдан қайтиш тўғрисидаги буйруқлар нусхалари илова қилинган болани тарбиялаш вақтини тасдиқловчи маълумотнома** асосида аниқланади. Болани тарбиялаш учун таътил бериш ва таътилдан қайтиш тўғрисидаги маълумотнома ёки буйруқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек буйруқларда зарур ёзувлар мавжуд бўлмаган ёки болани тарбиялаш учун таътилда бўлиш вақти тўғрисидаги ёзувлар нотўғри ва ноаниқ кўрсатилган тақдирда ушбу даврдаги ҳар ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома болани тарбиялаш учун таътилда бўлиш вақтининг тасдиғи сифатида қабул қилинади.

Улар мавжуд бўлмаган тақдирда болани тарбиялаш учун таътилда бўлиш даврини бола туғилган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган болани тарбиялаш учун таътилда бўлиш вақтининг чекланган даври ташкил этади. Унинг бошланиш санаси деб боланинг туғилган куни қабул қилинади. Меҳнат кодексининг *(бундан кейин – МК)* 234-моддасига мувофиқ болани парваришлаш таътилининг чекланган муддати 3 йилни ташкил қилади.

2. Меҳнат фаолиятини амалга ошириш минтақасида белгиланган туман коэффициентлари пенсияни ҳисоблаш чоғида сақланади. 2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-272-сон Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга[3] ўзгартишлар киритилди, улар билан туман коэффициентини белгилаш (олиб ташлаш) ёки унинг миқдорини ўзгартириш муносабати билан пенсияларни қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос чиқариб ташланди. Бунинг маъноси шуки, муайян пенсионерга пенсия ҳисоблашда фойдаланилган коэффициентлар унинг учун ўзгартирилмайди.

МИСОЛ. *Шаҳрингизда 2011 йилда туман коэффициенти кўпайтирилди. Пенсияни ҳисоблаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобида оширилган коэффициент эмас, балки сизнинг меҳнат фаолиятингиз даврида белгиланган коэффициент ҳисобга олинади. Сиз туман коэффициенти белгиланмаган бошқа шаҳарга кўчиб кетганингизда ҳам, ҳатто шаҳрингизда у бирдан бекор қилинган тақдирда ҳам коэффициент сақланади.*

Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖ юрисконсульти.

---

[1]*ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 13-илова.*
[2]*ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова.*
[3]*1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон.*

«Venko» фирмаси майкалар тикарди. Унинг раҳбарлари январдан бугунги кунгача иш ҳақи олмаган ходимларга фирманинг ёпилганлигини эълон қилдилар. Кейинчалик маълум бўлишича, аввалги раҳбарлар бошқа шаҳарга кетганлар, янги директор инсульт бўлганлигини айтиб, ходимлар билан гаплашишдан бош тортган. Ходимлар энди нима қилишлар керак? Тунги сменада ҳам ишлаб, топган пулларини қандай қилиб оладилар? Ушбу масалада қайси органга мурожаат қилиш керак?

Газетхон.

ТЎЛАШЛАРИ ШАРТ

– Ушбу ихтилофни маъмурий ёки суд тартибида ҳал қилиш мумкин.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун[1] 5-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ходимлар прокуратура органлари ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига уларнинг поймол этилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги шикоят билан мурожаат қила оладилар. Шикоятларни кўриш муддати – келиб тушган кунидан бошлаб 1 ойга қадар *(«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун 18-моддасининг иккинчи қисми).*

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг[2] 4-моддасига мувофиқ **прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширадилар:** улар аризалар, шикоятлар ва бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа хабарларни кўриб чиқадилар ва текширадилар, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек етказилган зарарни қоплаш чораларини кўрадилар, қонун бузувчиларни жавобгарликка тортадилар *(«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси).*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисида низомнинг[3] 7.1-бандига мувофиқ **давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ташкилотлар томонидан меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширади.** Иккала орган ҳам шикоятни кўриш далили бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Ходимлар иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ариза билан фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судига мурожаат этишга ҳақлилар *(МКнинг 268–270-моддалари; Фуқаролик процессуал кодексининг (ФПК) 1, 148–150-моддалари).* Ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этиладилар *(МКнинг 277-моддаси; ФПКнинг 110-моддаси; Солиқ кодекси 329-моддасининг 1-банди).*

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

---

[1]*1994 йил 6 майдаги 1064-XII-сон.*
[2]*1992 йил 9 декабрдаги 746-XII-сон.*
[3]*ВМнинг 2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорига 2-илова.*

Республика суд экспертизаси маркази – 60 ёшда

АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИБ...

МАЛАКАЛИ ЭКСПЕРТИЗА ШУБҲА-ГУМОНЛАРГА ЎРИН ҚОЛДИРМАЙДИ

Бу йил бизнинг экспертлик муассасамиз ўзининг олтмиш ёшини нишонлайди. Ўтган йиллар мобайнида унинг номи бир неча бор ўзгарди. Юбилей муносабати билан босиб ўтилган йўл ҳақида сўз юритиб, Ўзбекистонда криминалист экспертлик хизмати қарор топиши ишига тамал тошини қўйган мутахассисларни эслаб, улар ҳақида илиқ сўзлар айтгинг келади.

1951 йили ташкил этилган криминалистика лабораториясида ҳужжатшунослик экспертизасининг баъзи турларигина амалга оширилган бўлса, эндиликда муассасамиз кўп тармоқли йирик илмий-тадқиқот марказига айланган – унда 8 та тадқиқот лабораторияси фаолият кўрсатиб, 54 йўналишда текшириш ва тадқиқот олиб борилаётир.

Республика суд экспертизаси маркази Ўзбекистонда криминалистикани ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшган, юридик фанлар доктори, академик Хадича Сулаймонова номи билан юритилади. Адлия вазирлиги экспертлик хизматининг энг яхши анъаналари ва кенг эътироф этилган обрў-эътибори кўпгина таниқли криминалистларнинг узоқ йиллар самарали олиб борган фаолияти шарофати бўлиб, улар орасида лабораторияларнинг дастлабки раҳбарлари М.Умаров ва В.Умаровлар бор..

Академик Х.Сулаймонова ташаббуси билан 1958 йили мавжуд лаборатория асосида Ўрта Осиёда биринчи Тошкент суд экспертизаси илмий-текшириш институти ташкил этилганлиги Ўзбекистонда суд экспертизасини равнақ топтиришда муҳим одим бўлди. Институт директорлигига дастлаб В.Умаров лойиқ кўрилди, у мазкур институтга 14 йил (1958–1972 йиллар) бошчилик қилди. 1972–1997 йилларда институтга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Б.И.Пинхасов раҳбар бўлди. Ҳар иккала раҳбар институтнинг техник базасини мустаҳкамлаш, экспертизанинг янги турларини ўзлаштириш, мамлакатимиз минтақаларида институт бўлимларини очиш йўлида кўп иш қилдилар. 1997 йилдан ҳозирги кунга қадар Марказда юридик фанлар номзоди, тажрибали криминалист С.А.Отахўжаев бош бўлиб турибди. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида Марказда янги замонавий лабораториялар барпо этилди, ходимларга яхши ишлаш ва касб малакасини ошириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистонда криминалистикани ривожлантиришга юридик фанлар номзодлари В.М.Вальдман, А.Питиримов, И.М.Каплунов, Э.Х.Чекушев, кимё фанлари номзоди Т.Х.Исломов, катта илмий ходимлар П.И.Татулянц, Б.К.Эрнафасов, Х.Комилова, Ю.Г.Арабули ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшдилар. Таассуфки, уларнинг аксарияти боқий дунёга рихлат қилган бўлиб, шогирдлари ва издошлари ўз ишлари билан уларнинг хотирасига мангулик бахш этмоқдалар.

Ўзбекистон мустақиллигига эришилганидан кейинги йиллар Республика суд экспертизаси маркази тарихида янги саҳифа очди. Суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш, илмий текширишларни ривожлантириш, одил судловни холисона тайёрланган, аниқ ва ишончли экспертлик хулосалари билан таъминлаш мақсадида 1995 йил 22 июнда Вазирлар Маҳкамасининг 234-сон қарори[1] қабул қилинди. Ана шу ҳужжат асосида Тошкент суд экспертизаси илмий-текшириш институти Адлия вазирлигининг Республика криминалистика илмий-текшириш марказига айлантирилиб, унга суд экспертизаси масалалари бўйича илмий-услубий ва мувофиқлаштирувчи орган мақоми берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори[2] билан ушбу марказ Республика суд экспертизаси маркази деган ном олди ва унга мамлакатимизнинг етакчи суд-экспертлик муассасаси мақоми берилди. Замонавий техник база ва малакали эксперт кадрлар Марказнинг ихтиёрида: бу ерда энг мураккаб текширишларни, хусусан анъанавий криминалистик ва ноанъанавий материалшунослик йўналишидаги, иқтисодий, фонографик, муҳандислик-техник, генетик ва бошқа йўналишдаги суд экспертизаларини ўтказиш имконияти бор. Марказда эски лабораториялар ҳам, янгилари ҳам дуруст ишлаб турибди. Ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси (жўнроқ қилиб айтганда, дастхат ва ёзув услубини ўрганиш) лабораторияси, суд-баллистик ва трасологик текширишлар лабораторияси, материаллар, ашёлар ва буюмларни криминалистик текшириш бўлими (кимё бўлими) кўп йиллардан буён ишлаб келмоқда. Кейинчалик заруратга қараб, суд-автотехника, суд-бухгалтерия (эндиликда суд-иқтисод), суд-қурилиш, фоноскопик лабораториялар ташкил этилди. Бундан 10 йилларча муқаддам ўша пайтда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган инсон генини текширишга ихтисослашган ДНК лабораторияси барпо этилди. Марказнинг Қорақалпоғистонда ва вилоятларда филиаллари бор, уларда тегишли мутахассислар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Марказимизда ва унинг филиалларида тергов органлари ва судлар томонидан топширилган экспертизаларни ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминловчи юқори малакали экспертлар ишлаб турибди. Текшириш жиноий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлмаса, баъзи ташкилотлар учун, шунингдек фуқароларнинг аризасига кўра айрим объектлар ҳам текшириб берилади. Бундай пуллик хизматлар Марказ пул ишлаб топишига ёрдам бермоқда ва бюджет йўли билан молиялаштирилишига кўмак бермоқда.

Судлар ва тергов органлари топшириқлар асосида суд экспертизалари ўтказиш Марказимиз фаолиятида асосий ўрин тутади. Уларнинг жиноятларни очишда, иш юзасидан тергов олиб бориш ва жиноят ишини судда кўришда суд экспертизаси имкониятларидан тобора кўпроқ фойдаланаётганлиги ишларидаги самарадорликнинг юксак даражаси кўрсаткичи бўлиб қолди. Марказ ходимлари, жумладан, 2010 йилда 1992 йилдагига нисбатан 5 баравар кўп текшириш ҳамда тадқиқот ўтказдилар.

Энди экспертларимиз томонидан турли йилларда амалга

оширилган баъзи қизиқарли экспертизаларга тўхталсак.

Эски лабораторияларимиздан бири – ҳужжатларни криминалистик текшириш лабораториясида дастхат ва ёзув услуби экспертизаси ўтказилади, шунингдек ҳужжатларнинг асл ёки сохталиги, хусусан қоғоз, сиёҳ ва бошқа атрибутлар текширилади. Дастхат ва ёзув услуби бўйича экспертларимиз иши билан боғлиқ бир мисолни эслайлик. 2002 йилнинг ёзида Тошкентдаги корхоналардан бирига уни 11 сентябрда, яъни АҚШдаги террорчилик хуружи бир йиллиги муносабати билан портлатиш таҳдид этилган аноним хат тушди. Хат муаллифи корхона раҳбариятини ишга қабул қилинаётганларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлинаётганлиги билан айбларди. Табиийки, бундай таҳдид ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан эътиборсиз қолдирилмайди. Қолаверса, Америкадаги фожиали террорчилик хуружлари оқибатлари ҳам ҳали кўпчиликнинг ёдида. Бўлим раҳбари билан маслаҳатлашувдан кейин бўшатилган ёки ишга олинмаган кишиларни текшириб кўришга қарор қилинди. Яхшиямки, кадрлар билан ишлаш бўлимида шундай кишиларга оид маълумотлар ёки уларнинг аризалари сақлаб қўйилган экан.

800 га яқин кишининг дастхатини текшириб кўриш лозим эди. Бу улкан, сермашаққат иш беҳуда кетмади: аноним хат эгаси аниқланди. Маълум бўлишича, ишга қабул қилишмагач, у азбаройи алам қилганидан шу мазмунда хат ёзган бўлиб, аслида ҳеч нарсани портлатмоқчи эмас экан. Қарамоғида 4 та боласи бор, ўзи илгари жиноий жавобгарликка тортилмаган экан. Текшириш асносида портлатишни ташкил этиш йўлида у чиндан ҳам ҳеч нарса қилмаганлиги аниқланди. Шу зайил бу гаплар унинг учун озмикўпми хайрли тугади, жиноятчи учун жазо муддати тайинланмади.

Тошкентда 1999 йил 16 февралда фожиали воқеалар рўй бергач, бу воқеаларнинг тергови бўйича Марказимиз мутахассислари ҳам катта иш олиб бордилар. Кимёгар экспертларимиз портлашларда шикаст етган турли объектларда учраган озгина миқдордаги бегона моддалар асосида портлатишда ишлатилган модда турини биринчи бўлиб аниқлашга муваффақ бўлдилар. Бўлим мудири, кимё фанлари номзоди Т.Х.Исломов раҳбарлиги остида улар ишлатилган портлаткич моддалар таркибини тамомила тўғри аниқлаб бердилар. Кейинчалик ёрдамга келган немис экспертлари мутахассисларимизнинг хулосаларини шунчаки тасдиқлаш билан чекланишга мажбур бўлдилар, холос.

Автотехника бўйича экспертлар ва трасологлар ўшанда кўпгина шикастланган автомобилларни, шу жумладан портлатилган автомобилларни, аниқроғи уларнинг қолдиқларини текширган эдилар. Кечагидек ёдимизда, Марказимиз ҳовлисига юк автомашиналарида қанчадан-қанча автотранспорт қолдиқларини полиэтилен қопларда олиб келишган эди. Экспертлар уларга қараб айни қайси автомобиллар портлатилганлигини аниқлашлари лозим эди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимларимизга бу ишда кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик эълон қилганди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Тошкент олий ўқув юртларидан бирининг талабаси, чет эллик катта амалдорнинг ўғли автомобиль фалокати туфайли ҳалок бўлганди. Воқеа ярим кечаси содир бўлган – катта тезликда келаётган машинани ҳайдовчи бошқара олмай қолиб, автомобиль йўл чеккаси тўсиғидан ўтиб, дарахтга бориб урилган эди. Трасолог экспертларимиз фалокатга учраган автомобиль рулини ким (ҳалок бўлган талаба ёки бошқа шахс) бошқарганлигини аниқлаши лозим эди.

Изларни ҳамда ҳалок бўлган талабанинг ва йўл-транспорт ҳодисасида тирик қолган иккинчи иштирокчининг кийимидаги уринган-туртинган жойларни текшириш, шунингдек ҳалокатга учраган автомобилни текшириш асосида ава[illegible] иштирокчиларининг тан жароҳатлари хусусияти ва жароҳат етган жойларни инобатга олган ҳолда рулни ҳалок бўлган талабанинг ўзи бошқарганлиги узил-кесил аниқланди.

ДНК лабораторияси ходимларининг тергов идораларига ва судларга кўрсатиб келаётган ёрдамини алоҳида таъкидлаш керак. Чунончи, 2007 йилда тахминан 4-7 ёшдаги боланинг суяк қолдиқлари топилганлиги бўйича қўзғатилган бир жиноят иши бўйича таққослаш учун унинг ота тарафдан буваси деб гумон қилинаётган кишининг тўқима намуналари текширишга тақдим этилди. Ишнинг мураккаблиги шундаки, боланинг тусмол қилинаётган ота-онаси бедарак йўқолганлар қаторида бўлиб, одатдаги усул – ДНК ядроси бўйича биологик қардошликни белгилаш мумкин эмасди. Бошқа усул билан ўтказилган текшириш ота тарафдан қардошлик алоқаси борлигини, яъни улар бобо ва невара эканлигини аниқлаб берди.

Шу жиноят иши бўйича бир неча ойдан кейин 25-30 яшар бир эркакнинг суяк қолдиқларидан айримлари текшириш учун тақдим этилди. Терговчи бобо ва неваранинг илгари текширилган тўқима намуналари билан унинг қардошлик алоқалари бор деган гумонда эди. Бу ҳо[illegible]да ДНК ядроси бўйича ва У-хромосом бўйича ўтказил[illegible] текширишлар суяклари қолдиқлари текширилган ҳар учала шахснинг эркаклар шажараси бўйича қардошлик алоқаларини тасдиқлаб берди.

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, шу иш бўйича аёл жинсига мансуб, турли жойлардан топилган иккита шахснинг суяк тўқималари парчалари текширишга келтирилди. Эксперт ана шу аёлларнинг ўзаро қардош эканлигини белгилаши ёки бундай алоқани рад этиши лозим эди, шунингдек уларнинг илгари текширилган суяк қолдиқлари билан алоқадорлигини ҳам аниқлаши керак эди. ДНК бўйича ўтказилган қўшимча текширишлар бу аёллар она-бола эканлиги, улардан бири шу иш бўйича суяклари биринчи бор текширилган боланинг биологик онаси эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди. Шундан қилиб, экспертлар бедарак йўқолган деб ҳисобланган бутун бир оилани идентификация қилишга муваффақ бўлдилар.

ДНК лабораторияларида жиноят ишлари бўйича текширишлар ўтказилади, бундан ташқари алимент ундириш билан боғлиқ ишлар юзасидан оталикни белгилашга ёки оталик борасидаги даъволашишга оид ишлар бўйича ҳам текширишлар ўтказилади. Кейинги йилларда мерос ҳуқуқи тўғрисидаги ҳамда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадаги ёзувни бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича экспертизалар ўтказилмоқда.

Бизнинг Марказ Ўзбекистондаги бирдан-бир экспертлик муассасаси эмас (қатор криминалистик экспертизалар ИИВ органларининг экспертлик бўлимларида ўтказилади, суд-тиббий ва суд-психиатрия экспертизаларини эса Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли муассасалари амалга оширмоқда). Аммо Марказимизда амалга оширилаётган криминалистик экспертизалар рўйхати анчагина кенгдир. Марказ суд экспертизаси масалалари бўйича илмий-услубий ва мувофиқлаштирувчи орган мақомига эга эканлиги боис унда катта миқдордаги илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда, суд экспертизаси назарияси ва амалиётининг долзарб муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан республикамизнинг экспертлик хизматига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бир қанча ходимларимиз давлат мукофотлари – фахрий нишонлар, орден ва медаллар билан тақдирланишган. 2010 йилда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун[3] қабул қилинди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистондаги барча экспертлик хизматлари фаолиятини тартибга солади ҳамда ҳуқуқнинг мазкур соҳасидаги қонунчилик базасини кучайтиради, умуман олганда, Ўзбекистонда суд экспертизасини такомиллаштириш учун ва хусусан, Марказимиз изчил ҳамда жадал ривожланиши учун шароит яратиб беради.

Тўлқин САМАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номли Республика суд экспертизаси маркази бошлиғининг ўринбосари.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Марказнинг давлат эксперти.

[1] *«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг экспертлик хизматини ривожлантириш тўғрисида».*

[2] *«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».*

[3] *2010 йил 1 июндаги ЎРҚ-249-сон Қонун.*

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 21 (306) 2011 йил 31 май

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

САМАРАЛИ ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

KONICA MINOLTA

✓ Тўлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, кўпфункцияли офис тизимлари, Konica Minolta босмасининг самарали тизимлари

RISO

✓ RISO рақамли мини-босмахоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори

ACCO BRANDS

✓ ACCO Brands офис ускуналари

ABBYY Microsoft Adobe

✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот

- Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

Товар сертификатланган

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори

Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

CHILONZOR SAVDO UYI

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДОСИ

Муваффақиятга эришишингизни кўзлаб ишлаймиз!

ЦЕМЕНТ
Битум, рубероид

Алебастр, бўр, оҳак
Кальций карбиди
Электродлар
ПВА елими,
дурадгорлик КМЦ елими
Суюлтиргич эритгич 649
Қуруқ қурилиш аралашмалари (гипсли, цементли)
Эмаллар, локлар, бўёқлар, алифмой
Шпатлёвка
Линолеум
Саморезлар 32.5176
Махсус кийим-бош ассортименти

Ҳимоя каскалари
Респираторлар
Хўжалик моллари
Қурилиш михлари 32-120
Сетка-рабица
Гипсокартон
Қум, шағал
Шифер
Қурилиш анжомлари
Кетмонлар, болталар, катта болғалар, ломлар
Белкураклар (тиғли, куракли)
Ёзув-чизув товарлари
Рухланган пўлатдан профиллар

ШУНИНГДЕК 300 ДАН ОРТИҚ НОМЛАНИШДАГИ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

8-371-140-00-12
8-371-140-04-12
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
chsu.torg@mail.ru

Рўйхатлар

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 23 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган санаси ва рақами		Юридик манзили	Қарор рақами
"ROXAT TEKS" MCHJ	301218454	10.06.2009	0029-64-01	Шароф 1-тор кўч., 30	10-1119/7438
"NUR-AZIZ BOTIR ZUXRA" MCHJ	301392114	03.12.2009	003304-01	Чилонзор 23-45-47	10-1119/7442
"MIRAMAX GLOBAL BUSINESS" MCHJ	301738796	19.11.2010	004060-01	Фозилтепа кўч., 20а	10-1119/7441
"BANAN KLASS SERVIS" ХК	301646358	25.06.2010	003829-01	ТХАЙ Саноат ҳудуди "Матбуотнаклиёт" МЧЖ биноси	10-1119/7440
"ROSTOK PLAST" MCHJ	301694766	07.09.2010	003949-01	Дадил 8-тор кўч., 5	10-1119/7439
"ABDULLAEV ANVAR BIZNES" MCHJ	301616814	20.05.2010	003766-01	Чилонзор 31-43-75	10-1119/7437

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамғаси ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонасида қабул қилинади.

Тел. 274-16-37.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 20 майдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи
"Slake Sity" МЧЖ	10-1107/8120	Б.Хаитбоев
"Diyor Property" МЧЖ	10-1107/8118	Б.Хаитбоев
"Ekstrans Multi Servis" МЧЖ	10-1107/8121	Б.Хаитбоев
"Grand Tea Packing" МЧЖ	10-1107/8117	У.Исроилова
"Spartak-Mega Proffessional F.K" МЧЖ	10-1107/8119	К.Сайдуллаев

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 22 июнь соат 14.30 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонада бўлиб ўтади. Кредиторлар йиғилишига кредитор қарздорлиги бўйича талаблар қабул қилинади. Умумий тартибда банкротлик иши юзасидан суд мажлиси муҳокамаси га 2011 йил 4 июль куни соат 12.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уйда) 3-суд мажлислар залида кўриб чиқилади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 20 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ОКПО	Қарор рақами
"TEHNO PLUS STORY INVEST" МЧЖ	301265943	29.07.2009	004002-03	22825072	10-1117/7071(19)
"MAGIC STONE STAR" МЧЖ	301131628	08.04.2009	003787-03	22715538	10-1117/7072(19)

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Миробод туман ДСИ ходими О.Алтиев тайинланган. Корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2011 йил 20 июнда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 610-хона.

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

top

237-51-33
237-47-20
237-47-05

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 29 апрелдаги 10-1119/6797-сонли ажримига асосан Сергели туманидаги "SHER SERVIS LYUKS" ХК ҳамда 10-1119/6798-сонли ажримига асосан "UMARBEK TRADE" ХК бўйича суд муҳокамаси 2011 йил 16 май кунига тайинланган. 2011 йил 10 майдаги 10-1110/7541-сонли ажримига асосан "DILIR BIZNES" ХК бўйича суд муҳокамаси 2011 йил 23 май куни ўтказилиши белгиланган. 2011 йил 13 майдаги 10-1115/7715-сонли ажримига асосан "ЭВОРОН" ХК бўйича суд муҳокамаси 2011 йил 24 май кунига тайинланган. Барча кредитор ва дебиторлар Тошкент шаҳар хўжалик судига Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 17 майдаги 10-1115/7276-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманидаги "AGIT-INTERNATIONAL" MCHJ (СТИР 205793904) ҳамда "UBY-PREMIYER" MCHJ (СТИР 206780294) бўйича тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.

Тел. 234-10-29.

ҲУШЁРЛИКНИ ЙЎҚОТМАНГ

Одатда, ёнғин балоси кўпроқ кузги-қишки мавсумда содир бўлади, деб ўйлашади. Тўғри, қишда электр ва газ тармоқларидан кўпроқ фойдаланилгани туфайли шундай бўлиши мумкин. Лекин фалокат оёқ остида, деганларидек, ёнғин офатини бошқа фаслларда юз бермайди, деб бехавотир юриш тўғри бўлмайди.

Мана, ёз фасли ҳам кириб келди. Мактаб ўқувчилари учун ёзги таътил бошланди. Аксарият хонадонларда болалар уй-ҳовлиларда ёлғиз ўзлари қоладилар. Шу боис улардан, аввало, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Биринчи галда хонадонларда кичик ёшдаги болаларни қаровсиз қолдирмаслик керак. Ота-оналар уйдан чиқаётганда газ ва электр асбобларини ўчириши, асосий таъминотни узиб қўйишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Газ ва электр асбобларидан болаларнинг мустақил фойдаланишига асло йўл қўймаслик керак.

Бундан ташқари, гугурт ва тез ёнувчи бошқа нарсаларни болалар қўли етмайдиган жойларда сақлаган маъқул. Ҳовлилардаги маиший чиқиндилар, ахлатларни ўз вақтида ташқарига чиқариб ташланг. Ертўла, том, чордоқларни қулфлаб юринг.

Фарзандларингизга ёнғин хавфсизлиги бўйича энг оддий қоидаларни тушунтириб беришдан эринманг.

М.ЮЛДАШОВА,
Шайхонтоҳур туман ИИБ ЁХБ кичик инспектори.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

CAP ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

055-09

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ЎзР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хорезм (+99862) 524-51-55, Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63, Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

008-11

Аудиторлик-ҳуқуқий гуруҳ Ўзбекистоннинг барча вилоятларида

ШУЪБА КОРХОНАЛАР ДИРЕКТОРЛАРИ

лавозимларига номзодларни ишга таклиф этади

Асосий талаблар:
- олий иқтисодий ёки юридик маълумот
- ёши 27 дан 50 гача
- маҳаллий бозорни билиш, тажриба ва ташкилотчилик қобилияти

Резюмени 8 (371) 150-44-35 факси ёки altova_dinara81@mail.ru электрон манзилига юборинг
Алоқа боғлаш телефони: (+99897) 156-95-52 – Аслиддин

070-11

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС-ТАНЛОВИ
top
237-51-33
237-47-20
237-47-05
ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ЭЪЛОНЛАР

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*.
Тел. (+99897) 330-45-71.

Шартномаларни визалаш, хўжалик судида манфаатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел.: 449-03-03, 244-01-27.

Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш.
Адвокат Шуман Неля Сергеевна*.
Тел./факс: 242-33-52, 341-03-50 (уяли).

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ

Ташкилот вилоятларда тижорат юкларини декларациялаш хизматларини кўрсатади*.
Тел. (8371) 268-10-92.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

ХИЗМАТЛАР

Уй ва офис учун мебель*.
Тел. (+99893) 595-55-77.

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

Маиший техникани таъмирлаш
Тел. (+99893) 575-97-47.

Компьютерларга хизмат кўрсатиш.
Тел. (99890) 178-40-57.

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Компьютерга тез ёрдам. Windows, дастурлар, антивирус ҳимояси. Жойига чиқиш билан. Дам олиш кунларисиз.
Тел. 585-29-79.

ХАБАР

Шайхонтоҳур тумани ДСИ томонидан Юсупов Элёр Миралимовичга 25.02.2009 берилган 162-рақамли чакана савдо фаолияти билан ЯТТ даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Хизматлар лицензияланган.*

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
"MANIYA-PROFI" MCHJ	204983810	10-1117/6646(21)-т
"PERFEKT VORD" MCHJ	205084489	10-1117/6647(21)-т
"ASOM TEA" MCHJ	205835573	10-1117/6627(21)-т
"SOLIQ VA DUNYO" MCHJ	205260071	10-1117/6653(21)-т
"GLORIYA QUANTUM SATIS" MCHJ	205323640	10-1117/6667(21)-т
"GLOBAL PRESS" MCHJ	205470340	10-1117/6654(21)-т
"CDMA GROUP" MCHJ	300789323	10-1117/6652(21)-т
"BIRYUZA TRADING" MCHJ	301605542	10-1117/6645(21)-т
"HUBO-MOBILE" MCHJ	205864063	10-1117/6664(21)-т
"ATOYI DUNYO" MCHJ	205994701	10-1117/6632(21)-т
"IDEAL QURILISH SERVIS" MCHJ	206012917	10-1117/6658(21)-т
"ZERO PLAS SERVIS" MCHJ	206216718	10-1117/6651(21)-т
"SIR-JAM-SHAMS" MCHJ	206358192	10-1117/6666(21)-т
"GRAND GALILEO" MCHJ	300024318	10-1117/6640(21)-т
"LOTOS-MAXIMA" MCHJ	301278602	10-1117/6639(21)-т
"UBAYDULLO SAMIG BIZNES" MCHJ	300420893	10-1117/6660(21)-т
"MILLER SERVIS" MCHJ	301311577	10-1117/6655(21)-т
"MEMPHIS EVENT SERVISE" MCHJ	300544121	10-1117/6629(21)-т
"SKY-NET BIZNES" MCHJ	300954126	10-1117/6638(21)-т
"XAMRO MAX" MCHJ	300683639	10-1117/6634(21)-т
"RAMALI-SION" MCHJ	300723183	10-1117/6644(21)-т
"INOBATXON-NET" MCHJ	300752038	10-1117/6631(21)-т
"TIVOLI PLUS" MCHJ	300790664	10-1117/6636(21)-т
"HUMO COLOR BIZNES" MCHJ	300818429	10-1117/6661(21)-т
"TO RAQO RG ONIY BIZNES" MCHJ	300847962	10-1117/6657(21)-т
"TEMUR LOGISTIC SERVIS" MCHJ	300883800	10-1117/6668(21)-т
"ALFA PAYNET GLOBAL" MCHJ	300935591	10-1117/6628(21)-т
"ARKADA-MAKSPRINT" MCHJ	300949574	10-1117/6635(21)-т
"POYTAHT NURI" MCHJ	300999949	10-1117/6656(21)-т
"ZEUS PROTECTION" MCHJ	301008059	10-1117/6626(21)-т
"AKAMO BUSINESS" MCHJ	301037989	10-1117/6649(21)-т
"CHERMET INVEST" MCHJ	301044197	10-1117/6630(21)-т
"ASROK BIZNES" MCHJ	301050816	10-1117/6670(21)-т
"GILSON-TASHKENT" MCHJ	206996286	10-1117/6641(21)-т
"GOLDEN WAVE OF FUTURE" XK	301186504	10-1117/6662(21)-т
"RAINBOW DEVELOPMENT" MCHJ	301256653	10-1117/6643(21)-т
"EXCLUZIVE BEAUTIFUL BIZNES" MCHJ	301292143	10-1117/6671(21)-т
"FARZONA PAYNET" MCHJ	301304743	10-1117/6650(21)-т
"RAHMAN DSD BIZNES" MCHJ	301322064	10-1117/6642(21)-т
"RUSTAM NET" MCHJ	301350180	10-1117/6659(21)-т
"NURILLA GLOBAL BUSINESS" MCHJ	301369393	10-1117/6633(21)-т
"SPITOMENTRANS" MCHJ	301387546	10-1117/6663(21)-т
"GRAND FENIKS GROUP" MCHJ	301436610	10-1117/6669(21)-т
"SUNSTREAM" MCHJ	301481501	10-1117/6648(21)-т
"UNIVERSAL GROUP" MCHJ	301504874	10-1117/6637(21)-т
"PAVEL AND TIMUR BUSINESS" MCHJ	301612234	10-1117/6665(21)-т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 234-10-29.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 23 майдаги қарорларига асосан Олмазор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Манзили	Қарор рақами
"DEL MEAT" МЧЖ	206980039	А.Ибайдуллаев	Қорақамиш 2/4, Ўразбоев. 19-б	10-1117/6905-т
"BEST ESSENTIAL GOODS" ХК	301148289	Г.Шарафутдинова	Қамарнисо-4а	10-1117/6926-т
"DURBEK BARAKA" МЧЖ	301212691	У.Бобошарипова	Тансиқбоев-2, 6-51	10-1117/6889-т
"LEASE FINANCING" МЧЖ	301683470	Д.Раҳимов	Марварид кўч., 19	10-1117/6927-т
"SINYOR RED" МЧЖ	301010699	М.Икромов	Зангиота, Қодирий-17	10-1117/6903-т
"LIDER METALL TRADE" МЧЖ	207090346	М.Расулов	У.Ширин-136	10-1117/6921-т
"DANVER SAVDO" МЧЖ	301501618	С.Титов	Хамидхонов-2	10-1117/6900-т
"RAVNAQ-RIVOJ BARAKA" МЧЖ	301496671	Х.Миянмаликов	С.Раҳимов, т-1, 4	10-1117/6915-т
"NOVO GRAIN" МЧЖ	301678168	А.Каямов	Зарқайнар, 119а	10-1117/6918-т
"ARCHITECTURE AND DECOR" МЧЖ	206967772	О.Тўлаганов	Тансиқбоев-2, 3-3	10-1117/6911-т
"ASIAN STYLE TRAVEL" МЧЖ	300700394	Ш.Умаров	Абдурахмонов, 8г	10-1117/6910-т
"ISKANDAROVA DILDOR TURSUNBAEVNA" ХК	301381049	Д.Искандарова	Себзор, 16-23	10-1117/6913-т
"O'RTA OSIYO ARXEOLOGLAR GURUHI" ХК	205955187	Д.Карасев	Қорақамиш 1/4, 19-66	10-1117/6920-т
"GLOBAL MEDIA" МЧЖ	300559885	Ф.Фозилов	Широқ-100	10-1117/6917-т
"ЗУХВАЮКОМ" ШИЧТК	202897634	"Чернобиль" ногиронлари Учтепа-22 даҳаси 10-уй		10-1117/6897-т
"OLMAZOR MAZALI TAOMLARI" ХК	301308033	Х.Тўхтаев	Белорецкая-13	10-1117/6916-т
"BARAKA SAMARA DAVRI" ХК	301416406	Н.Аманов	Форобий-332	10-1117/6890-т
"INFO BRIDGE MAX" ХК	300968091	О.Сиддиқов	Қизил Тут, Культиватор тор кўч., 31	10-1117/6923-т
"ZIYOVIDDIN- SAVDO" ХК	204417040	З.Юсупов	А.Хидоятов-74	10-1117/6893-т
"SLAKE SITY" МЧЖ	205297286	А.Абдурахмонов	Қорасарой-284	10-1117/6919-т
"KAMOLA-K-XAMKOR" ХК	204981402	Қ.Хусанов	Форобий, Оҳакчи тор кўч., 52	10-1117/6898-т
"SALAR KARVON" ХК	301518587	А.Абдурахмонов	Сағбон, Олча тор кўч., т-3, 17	10-1117/6901-т
"SARMOYA EFFEKT" ХК	206971334	Х.Илёсов	Қорасоч-65	10-1117/6925-т
"MARD PRO BIZNES" ХК	300670457	М.Мусаев	Қорақамиш 2/1, 45-37	10-1117/6908-т
"MISS DUR" МЧЖ	301594534	М.Обидов	Сағбон, Тарих тор кўч., 27	10-1117/6904-т
"POWER GOTRADE" МЧЖ	301594527	Ж.Рахмонов	Беруний, 2-13	10-1117/6907-т
"SHAROFATLI-SAHOVAT" МЧЖ	206597989	З.Бобокулов	Тошкент тум. Боходир хожи кўч., 146	10-1117/6885-т
"GOLD FOREST INVEST" ХК	301553331	Ш.Мирмухсимов	Қорақамиш 2/3, 30-42	10-1117/6909-т
"NSN SAVOB" МЧЖ	301341421	Б.Рахматуллаев	А.Юнусов-22а	10-1117/6886-т
"DELTA GLOBAL" ШК	300601367	Р.Саимназаров	У.Ширин-116	10-1117/6892-т
"MIRODIL-MOBILE" ХК	301258753	М.Мирабзалов	1-Қичқириқ-78	10-1117/6912-т
"TA'LAT BIZNES" ШК	300509661	Т.Зиямухамедов	Калонов кўч., савдо растасида	10-1117/6894-т
"ABDULBOSID-ABDULBORIY-SAVDO" МЧЖ	301605337	Ш.Шожалилов	Форобий, т-19, 3	10-1117/6914-т
"RABOHAT INOYAT FAYZ" ХК	300612915	С.Саидахмедов	Бобожонов-109	10-1117/6888-т
"DENTULA" МЧЖ	207000574	А.Эгамбердиев	Сағбон, пр-12, 13	10-1117/6887-т
"MUNISA FAST FOOD" ХК	300868192	А.Машарипова	У.Ширин-136	10-1117/6891-т
"HAMKORLIK-BARAKA-NUR" МЧЖ	206592917	Х.Юлдашев	Қорақамиш 1/2, 1-3	10-1117/6924-т
"PRIMER BUSINESS" МЧЖ	206934196	Х.Райимов	Нозимахоним 5-тор кўч., 27	10-1117/6922-т
"MUROD MUXLIS BARAKA" МЧЖ	301274814	С.Мўминова	Қорақамиш 1/4, 30-45	10-1117/6896-т
"SNEK-FOODS" МЧЖ	300047390	М.Саидов	Фозилов ж/х, Фозилов-19	10-1117/6902-т
"BROK SAVDO SERVIS" ХК	300953927	Х.Одилов	Беруний-83	10-1117/6906-т
"MIRBOSIT-SAVDO" ХК	205636299	Б.Хасанхўжаев	С.Раҳимов т-2, 22	10-1117/6899-т
"SHUX-LINE" ХК	301506182	Р.Хамдамов	Қорақамиш 2/4, 1а-19	10-1117/6895-т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Олмазор тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"Chug'ursoy oil" МЧЖ	10-1107/6939
"Global class prom" МЧЖ	10-1107/6941
"Slotex" МЧЖ	10-1107/6940
"Osiyo baraka plast" ХК	10-1107/7002

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими А.Қодиров тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-307-хона. Тел. 241-30-86.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ
2005 йил январдан нашр этилади

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул: Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1057 Адади 4860. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2011 йил 27 майда соат 19.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223